

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси номидан ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи, компания директори М.А.КОДИРОВ бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва «Хонобод савдо равнақи» МЧЖ Низомида берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи раҳбари А.АШУРОВ иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини тuzдилар.

I. Атамалар

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги атамалар қўлланилади:

- Шартномада «ижро ҳужжатлари»: «лойиха-смета ҳужжатлари» (ЛСХ) «қурилиш майдони»; «вактинчалик иншоотлар»: «беркитилган ишлар» атамалари қўлланилган. Атамаларнинг изоҳи: Вазирлар Мақомазининг 2003 йил 12-сентябрдаги 395-сонли қарорига 3-иловадаги «Намунавий пудрат шартномаси»нинг 1-бандига асосан қўлланилган.

Бундан ташқари:

«жорий молиялаштириш»: шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич молиялаштириб бориш; «маблаг билан таъминловчи орган»: - Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблаг билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги, вилоят, шаҳар молия бошқармаси.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, Кургонтена туманидаги 9228-сонли харбий қисм 9-чегара постини реконструкция ва 1та 20 хонадонли қуп қаватли хизмат уйи қурилиши объектини фойдаланишга топшириш тўғрисида, қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса қурилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2020 йил 27-октябр № 123/1.2-сонли баённома) билан тасдиқланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати Қушилган Қиймат Солиғи (15%) билан 9 785 733 650 (Туккиз миллиард етти юз саксон беш миллион етти юз уттиз уч минг олти юз эллик) сумни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;

- Пудратчи ташкилот солиқ тўловчи сифатида бошқа солиқ турига ўтканда тендер савдоси натижасида аниқланган нархга ўзгартириш киритилади

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- барча ишларни объектни лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг қучлари ва ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;

- қурилиш майдонига «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги»га киритилган ва қўлланишга мослик сертификатига эга бўлган зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахборот бериш;

- Ўз.Р. ВМнинг 20.12.1999 йил кунги 532-сонли қарорига асосан, қурилиш таваккалчиликларни суғурта қилиш;

- шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- объектда қонунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;

- қурилиш майдонини, ундаги қурилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарни қуриқланишини таъминлаш.

- Пудратчи ҳисобот ойининг 27-28-қунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, лойиха-смета ҳужжатларида аниқланган нуқсонлар ҳақида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вақтида хабардор этиш;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;

- объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига такдим қилиш.

- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига ҳужжатлар тўпламини такдим этиш;

- Иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни қурилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига такдим қилиш.

- объектни қурилишида юзага келадиган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида Буюртмачини дарҳол хабардор этиш;

- Қурилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда, улар томонидан аниқланган камчиликларни ўз вақтида, сифатли бажариш;

- Иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига такдим этиш;

4.2 Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) **намунавий шаклда**наҳборотни бериб туриши;

4.3. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

4.5 Пудратчи, танлов савдолари натижасида аниқланган пудрат ишлари ҳажмини шартномада жорий ҳисобот йили учун белгиланган иш ҳажмлари доирасида бажаради ва белгиланган ҳажмдан (лимитдан) ортиқча иш ҳажмлари ва лойиҳа-смета ҳужжатларидан ташқари қушимча иш ҳажмларини бажарилишига йўл қўймайди.

Шартнома шартларида белгиланган ишлар ҳажмидан ташқари қушимча иш ҳажмлар бўйича вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар, фойдаланувчи ташкилотнинг юқори органи ёки масъул шахслари томонидан берилган курсатмаларга факат, бажариладиган қушимча ишларни молиялаштириш манбаига аниқлик киртилиб, буюртмачи билан асосий шартномага қушимча қилишув расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилиши белгиланади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойиҳа-смета ҳужжатларини, яроқли бўлган қурилиш майдонини қурилиш объектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;

- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширилиши;

- Пудратчидан объектда қулланилаётган қурилиш материаллари, бутловчи буюмлар ва конструкцияларнинг қулланишга мослик сертификатларига эга эканлиги тугрисидаги ва ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи тугрисидаги маълумотни талаб қилиш.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб томонлар учун қучга қиради.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан эътибордан 400 кунни ташкил этади.

6.3 Шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова) га мувофиқ, бўнак (аванс) тўлови тушган кундан бошлаб, танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ҳисоб-китоб қилинади.

6.4. Шартнома бўйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига шартнома ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади, бу 1 467 860 000 (Бир миллиард тўрт юз олтинчи етти миллион саккиз юз олтинчи минг) сўмни ташкил этади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширилиши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблағлари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, ишлар ҳажмининг 95 фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми суммасидан олдин туланган бунак маблағи ва 5 %лик кафолат суммаси мутаносиб равишда олиб қолиниб) 2020 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида амалга оширилади.

7.4. Бажарилган ишнинг кафолатли муддати 1 йил бўлиб, ушбу муддат тамом бўлгандан кейин – ишлар қийматининг 5 фоиз қолдиқ суммасининг тўлови, Буюртмачи томонидан талаб қилинган ҳужжатлар Пудратчи томонидан Буюртмачига такдим этилганидан сўнг амалга ошириладиган, бу 489 287 000 (Тўрт юз саксон тўққиз миллион икки юз саксон етти минг) сўм бюджетдан маблағ ажратиб берилгандан сўнг амалга оширилади.

7.5. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳуқуқи Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш ҳавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Тендер нархидан ташкари, технология талаби ёки юкори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топширик буйича бажарилган курилиш монтаж ишлари киймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблаг ажратилгандан сунг, тулов амалга оширилади.

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи, курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура курилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка қилиш учун) Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига топширади.

8.10. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Давлатархитектура-курилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектура-курилиш назорат» инспекциясини билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмас, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тadbирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Пудратчи объектга ўрнатиладиган жихозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан камида бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жихозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаштирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жихозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб ўрнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огоҳлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб қилиш ва муддат бериш ҳуқуқига эга. Бу муддат ун кундан кам бўлмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан сўнгкейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бухакда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини ва муддатини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуруб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойида чиқариб ташлайди.

8.19. Агар техник хужжатларга узгартириш киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган қушимча ишлар қиймати жихатидан лойиха-сметада курсатилган қурилиш умумий қийматининг ун фойизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини узгартирмаса Буюртмачи техник хужжатларга узгартириш киритишга ҳақли.

IX. Ишларини қўриқлаш.

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олгунга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жихозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар буюртмачининг зиммасида бўлади.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч натижасида келиб чиқса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тулик бажармаслиги у ҳақда жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартишлар киритилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда куп вақтда ҳузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келишп олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажарганларидан кейин, қурилиши тугаллаган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тугриёида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида уникабул қилишни амалга оширади.

11.3. Пудратчи, қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва муҳандислик тармоқларининг тайёрлиги тугриёидаги ҳулосаларини, муҳандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қилишни ёзма равишда тасдиқлайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун Пудратчи жавобгар ҳисобланади.

11.5. Давлат қабул комиссияси томониданоBJECTни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тулик расмийлаштирилиб, тасдиқланганидан сўнг объект қабул қилиб олинган ҳисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи қуйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тулик ҳажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;
- мазкур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми, етказиб келинадиган, қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жихозлар қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориш;
- қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкцияларнинг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги"га киритилган ва қўлланишга мослик сертификатига эга бўлганлигини таъминлаш;
- объект қабул қилинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги кафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектда ўрнатилган муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати, объект қабул қилиб олинганидан бошлаб камида ўн икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, камчиликлар аниқланиб, у бартараф этилгунга қадар фойдаланишни имконини бермайдиган нуксонлари аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан ҳужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуксонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига қатнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиш «Давлатархитектура қурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

- Пудратчи томонидан қурилиш ишлари шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганда, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишлари ва қолдиқ ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли ҳужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган ҳужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдиқ ишлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор қилиниши билан айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишлари бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловнинг 50 % фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5% фоизи микдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

14.5. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вақтида бажармаса, иншоотни қабул қилиш-топшириш далолатномасини уз вақтида

расмийлаштирмаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, объект шартномавий жорий кийматининг 0,01% микдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси объектнинг шартномавий жорий кийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50%дан ошмаслиги микдорида жарима тулайди.

Пеня тулаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

14.6. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 %дан ошмаслиги кафолат тўлови ҳисобидан ушлаб қолади.

14.7. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Давлатархитектурақурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 50% фойизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.8. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета ҳужжатлари бўйича қилиб чиққанда низо хал этиш учун иншоотни лойихаси билан шуғуллунган ташкилот ишга жалб қилинади. Лойиха-смета ҳужжатларидаги аниқланган камчилик ва нуксонлар учун лойиха ташкилот жавоб беради.

14.9. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни хал этиш тиртиби.

15.1. Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлармузокара йўли билан хал этадилар. Агар низоли масала ўзаро хал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан хал этилади.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қилишувлари уз қучини йўқотади.

16.2. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қилиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак. Ҳисобот йили якуни билан бажарилмаган (яқунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага қўшимча қилишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.4. Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳуқуқи ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.5. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари узгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Аниқланган ҳолат бўйича томонлар ўртасида қўшимча қилишув расмийлаштирилади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат орқали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.

16.6 Шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сакланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

16.7. Шартнома 2020 йил 31 декабр куни охирига қадар амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши томонларни шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озод қилмайди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
«Ягона буюртмачи хизмати» ИК.	«Ҳонобод Савдо Равнақи» МЧЖ
Андижон ш. Навоий шох куча 45 уй	Ҳонобод ш, Анхор куча-3-38
Тел: 223-08-28	Тел: 998-93-427-55-55, 90-624-82-15
ИНН 200238014, ОКЭД 70100	«Кишлокқурилиш банк» Қургонтепа бўлими
Ш/хв 400121860034017950100172020	х/р: 20208000304786189001
ЎзР Молия Вазирлиги Газначилиги	МФО: 00058 ИНН: 301151792
Ягона Газна х/в 23402000300100001010	
М.Б.ХҚКМ Тошкент ш.	
МФО 00014, СТИР 201122919	
Раҳбар: М.У.	Раҳбари: А.Ашуров
М.Қодиров	М.У.

